



Қаҳрамон РАЖАБОВ,
тарих фанлари доктори

МУҲАММАД ШАЙБОНИЙХОН

ШАЙБОНИЙХОН, Муҳаммад Шайбонийхон, Султон Муҳаммад Шайбонийхон, Шоҳбахт, Шайбоқхон, Шоҳибек (1451-1510 йил 28 декабрь, Марв яқинида) – Шайбонийлар сулоласи ва давлати асосчиси, Мовароуннаҳр хони (1500-1510). Машҳур давлат арбоби, ҳарбий саркарда, таниқли шоир. Абулхайрхоннинг набираси, Шоҳ Будоғ Султоннинг тўнғич ўғли.

Машҳур тарихчи олим Ҳофиз Такниш Бухорий (1540-1589) ўзининг «Абдуллонома» («Шарафномаи шоҳий») асарида Шайбонийхоннинг насл-насаби ва болалиги тўғрисида қуйидагича тўхталиб ўтган: «... Шайбонийхон Абулхайрхоннинг ҳукмронлиги замонида 855 йилда (мелодий 1455 йили) Олтинхон наслидан бўлган Оққўзи бегимдан туғилди... (Олтинхон – Цзянь сулоласидан бўлган Хитой императорлари. Шайбонийхоннинг онаси Оққўзи бегим Есуго баҳодир ва унинг ўғли Чингизхон билан замондош бўлган император Ши-Цзуннинг авлодларидан бўлган бўлса керак – Қ.Р.) Абулхайрхон унга Султон Муҳаммад Шайбон деб ном қўйди ва Шоҳбахт деб лақаб берди. Кейинчалик, яъни 858 йилда (мелодий 1454 йили) кутли оқибат султон деб аталган Султон Маҳмуд дунёга келди. Хон ҳазратлари (Абулхайрхон) унга Маҳмуд деб от қўйди ва баҳодир лақабини берди. Буюк хон (Абулхайрхон) ҳар икки султонзодани азиз тутарди ва уларни эъзоз ва икром қилишда бир дақиқани ҳам бекор ўтказмасди. Шоҳ Будоғ Султон ёшлигида бу фоний жаҳон билан видолашиб... поклик бўстонларига жойлашгандан сўнг, Абулхайрхон у султонзодаларни бениҳоят хуш кўриб, ортуқча севганидан, уларни илгари Шоҳ Будоғ Султоннинг отакаси (оталиғи), уйғур қавмидан бўлган амир Бойшайхга топширди...» (Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдуллонома. 1-китоб. Тошкент. Шарқ, 1999. 55-56-бетлар.)

Ўзбек улуси давлатнинг хони Абулхайрхон (1412-1468; ҳукмронлик даври: 1428-1468) 17 ёшида янги туркий давлатга асос солган бўлиб, унинг 11 нафар ўғли бўлган. Муҳаммад Шайбонийхоннинг отаси Шоҳ Будоғ Султон хон хонадонидан тўнғич ўғил эди. Муҳаммаднинг отаси ёшлигида вафот этгач, у ва укаси Маҳмуднинг тарбияси билан бобоси Абулхайрхон жиддий шуғулланди. Шоҳбахт бобоси Абулхайрхондан туркий халқлар ҳарбий санъати ва давлат бошқаруви илмини ўрганган. У кейинчалик Бухорода икки йил

мадраса таҳсилани олган. Шайбонийхон Бухоро мадрасасида Мавлоно Муҳаммад Хитойдан таълим олган. Нақшбандийлик тариқатининг вакиллари Ҳофиз Хусайн Бусирий ва Хожа Маҳмуд билан яқин муносабатда бўлган. Муҳаммад Шайбонийхон дин аҳли: қаландарлар, дарвешлар, сўфийлар ва муллаларга алоҳида эътибор билан қараган.

Абулхайрхон вафот этгач (1468), унинг ўрнига тахтга ўтирган ўғли Ҳайдархон (Шайх Ҳайдар) орадан кўп ўтмай маҳаллий амирлар (Ибоқхон, Бурка Султон, Жонибек, Герайхон, Ёмғурчи, Мусо Мирзо ва б.) ҳамда Олтин Ўрда хони Аҳмадхонга қарши ҳокимият учун бўлган курашда қатл қилинди. Абулхайрхон Дашти Қипчоқда асос солган Ўзбек улуси парчаланиб кетди. Ибоқхон ва унинг иттифоқчилари Абулхайрхоннинг қариндош-уруғлари ва тарафдорларини қирғин қилишган. Қирғиндан фақат ака-ука Муҳаммад Султон ва Маҳмуд Султон (1454-1504), уларнинг амакилари (Абулхайрхоннинг ўғиллари) Суяунчхожахон (тахминан 1452-1525) ва Кўчкунчихон (тахминан 1450-1530), амакиваччаси Жонибек Султон, жианлари Маҳдий Султон ва Ҳамза Султон (Бахтиёр Султоннинг ўғиллари) ҳамда баъзи бекларгина омон қолган, холос. Ёш Муҳаммад Султонни отасининг мулозимларидан Курагабек Сирдарёнинг қуйи томонларига олиб кетади ва тарбиялайди. Бироқ шайбоний султонларнинг қозоқчилик йиллари бесамар кетмади. Улар ёш ва жасур Муҳаммад Шоҳбахт бошчилигида бирлашиб, атрофларига ўз тарафдорларини тўплашди ва ҳокимият учун кескин кураш бошладилар. Шоҳбахтнинг сиёсат майдонидаги дастлабки иши бобосига хиёнат қилган Бурка Султонни тор-мор қилиш бўлди.

Муҳаммад Шоҳбахт XV аср 80-йилларида ўз рақиблари устидан ғалаба қозониб, Дашти Қипчоқда, яъни Жануби-Ғарбий Сибирь ва қозоқ даштлари худудидаги Ўзбек улусида ҳокимиятни қўлга киритган ҳамда ўз ҳукмронлигини ўрнатган. Шайбонийхон 1482 йил баҳорида Мовароуннаҳр ҳукмдори Султон Аҳмад Мирзонинг таклифи билан Самарқандга келиб, унинг саройида оз муддат хизмат қилган. 1483 йил у Арқук, Ўзган, Сигноқ шаҳарларини эгаллаган. Хуллас, у 1480-1485 йилларда Ўзбек улуси (кўчманчи ўзбеклар давлати)ни қайта тиклаган. 1486 йил июнда у Хоразмга дастлабки ҳарбий юришни амалга оширган. Шайбонийхон кўшини Хоразмдаги Тирсак қалъаси, Булдам-

соз қалъаси, Адоқни эгаллаб, Гурганж устига отланди. Шайбонийхон Вазир шаҳри ёнида Султон Хусайн Бойқаро юборган теурийлар қўшинини тор-мор қилди ва шаҳарни қўлга киритди. Бу даврда Тирсак қалъасида Шайбонийхоннинг уғрук (обози) ҳамда иниси Маҳмуд Султон кичик бир ҳарбий қисм билан турган. Айнан Вазир шаҳри яқинидаги Тирсак мавзеида Маҳмуд Султоннинг ўғли Убайдулла Султон (Убайдуллахон) 1486 йили туғилган. Шайбонийхон бошчилигидаги ўзбеклар XV аср 90-йиллари бошларигача Хоразм воҳасида қолиб кетган.

Муҳаммад Шоҳбахт ўзига Шайбонийхон тахаллусини олган ва у тарихга шу ном билан кирган. Бунинг сабаби шундан иборатки, Шайбон (XIII аср) тарихий шахс сифатида Жўжихон (1184-1227)нинг бешинчи ўғли, Чингизхоннинг набираси бўлиб, Шайбонийлар бобокалони ҳисобланади. Муҳаммад Шоҳбахт ҳам Шайбонхоннинг наслидан бўлган.

Машхур тарихчи ва давлат арбоби, Шайбонийлар сулоласидан бўлган Хива хони Абулғозий Баҳодирхон (1603-1663) кейинчалик «Шажарайи турк» асарининг «Шайбонхон наслидин Мовароуннаҳрда подшоҳ бўлганларнинг зикри» номли фаслида қуйидаги муҳим маълумотларни келтиради:

«Чингизхоннинг ўғли Жўчихон, анинг ўғли Шайбонхон, анинг ўғли Баҳодир, анинг ўғли Пўлод, анинг ўғли Иброҳим ўғлон, анинг ўғли Давлат Шайх ўғлон, анинг ўғли Абулхайрхон, Абулхайрхоннинг ўн бир ўғли бор эрди.

Абулхайрхон катта ўғлининг номи Шоҳ Будоғ Султон, унинг икки ўғли бор. Улуғ ўғлининг оти Муҳаммад, лақаби Шоҳбахт. Узи шоир эрди. Шайбонхоннинг наслидин бўлгон учун ўзига Шайбоний тахаллус қилиб эрди. Шоҳ Будоғ Султони мазкурнинг кичик ўғли оти Маҳмуд Султон, анинг ўғли Убайдуллахон.

Абулхайрхони мазкурнинг иккиланчи ўғлининг оти Хожа Муҳаммад. Аммо ўзбек ани Хўжуғам тентак дерлар. Анинг ўғли Жонибек. Ул ҳам беақл киши эрди. Анинг ўғли Искандархон. Ул ҳам кам ақл киши эрди. Аммо унинг икки хунари бор эрди: ибодат қилишга мохир эрди. Андин сўнг қарчиғай солмоқға ва ани сақламоқға яктойи жаҳон эрди. Анинг ўғли машҳури маъруф Абдуллахон. Анинг ўғли Абдулмўминхон. Бу жамоатнинг насли Абдулмўминхонда мункатиъ бўлди. Маълум бўлсун ким Абдуллахоннинг ҳикояти оламда машхур эрди. Ул сабабдин батафсил баён қилмадук». (Абулғозий. Шажарайи турк. Тошкент: Чўлпон, 1992. 113-бет.)

Аслини олганда Шайбонийлар сулоласидан бўлган охирги Бухоро хони Абдулмўминхон

бўлмасдан, балки Сулаймон Султоннинг ўғли Пирмуҳаммадхон II ҳисобланади. У Абулмўминхон вафотэтгандан кейин 1598-1601 йилларда Бухоро хони бўлган. Пирмуҳаммадхон II ўзига қарши чиққан Самарқанд ҳокими Боқи Муҳаммад билан 1601 йил июнда Самарқанд яқинидаги Боғишамолда бўлган кескин жангда мағлубиятга учраб ўлдирилгач, Бухоро хонлиги тахтига янги туркий сулола – Аштархонийлар (Жонийлар)дан бўлган Боқи Муҳаммадхон ўтирди (1601 йилдан бошлаб).

Абулғозий Баҳодирхон «Шажарайи турк» асарининг «Жўчихон ибн Чингизхоннинг бешланчи ўғли Шайбонхоннинг авлодиндин Турода ва Қозоқда ва Кримда ва Мовароуннаҳрда подшоҳлик қилганларнинг зикри» деб номланган 8-бобида Шайбонийлар сулоласи ҳақида жуда муҳим маълумотлар мавжуд.

Хусусан, асарнинг «Жўчихон ибн Чингизхоннинг бешланчи ўғли Шайбонхоннинг авлодиндин Хоразмда подшоҳлик қилгонларнинг зикри» деб номланган 9-бобида Хива хонлигида ҳукмронлик қилган Шайбонийлар сулоласи ҳақида, асар муаллифининг ўзи ҳам бу сулолага мансуб бўлган, батафсил маълумотларни келтиради. (1512-1770 йилларда Хива хонлари бўлган ҳукмдорлар Шайбонийларнинг Арабшоҳийлар сулоласига мансуб бўлган.)

Муҳаммад Шайбонийхон 1490 йилдан теурий шаҳзодаларнинг тож-тахт учун ўзаро кураши ва ички низолар туфайли тобора заифлашиб бораётган Теурийлар давлатининг марказий ҳудуди бўлган Мовароуннаҳрда ҳам ўз ҳукмронлигини ўрнатиш учун ҳаракат бошлаган. Ҳасанхожа Нисорий (1516-1597) ўзининг «Музақкири аҳбоб» тазкирасида ёзишича, Муҳаммад Шайбонийхон Амир Абдулвали Тархон замонида Бухоро мулкида яшаган. У Баҳоуддин Нақшбанднинг невараси Низомиддинхўжа Мир Муҳаммад Нақшбандий даргоҳида хизматда бўлган. Ул зот Муҳаммад Шайбонийга Туркистон вилоятига бориб, янги ўзбек салтанатини тузиш учун айнан ўша ерда кураш бошлаши лозимлигини таъкидлайди. Тасаввуфнинг бошқа бир йирик намояндаси Шайх Мансур – Шайбонийхоннинг пири бўлган. Шайбонийхон қисқа муддатда катта ютуқларга эришди. Куч-ғайратга тўла ва ғалабаларга иштиёқманд Шайбонийхон Туркистоннинг Сигноқ, Саброн, Ясси шаҳарларини ҳам қўл остига киритгач, Мовароуннаҳрга юриш қилишдан аввал турли вилоятларга тарқалиб кетган шайбоний султонлар, жумладан, ўз жиянлари Махдий Султон ва Ҳамза Султонни ўз байроғи остига тўплаган (1495). Хуллас, теурийларнинг тож-тахт учун ўзаро урушлари кучайган кезларда Муҳаммад Шайбонийхон

Мовароуннахрни истило қилишга киришди. У 1499 йили Жиззах ва Самарқанд орқали Насаф ва Кеш вилоятларига кириб боргач, ҳарбий ўлжа билан Дашти Қипчоққа (Туркистон шаҳри атрофларига) қайтади. Орадан кўп ўтмай, ката куч билан Мовароуннахрга келган Шайбонийхон Темурийлар салтанатидаги иккинчи йирик шаҳар – Бухорони, сўнгра Қорақўлни эгаллайди (1499). 1500 йил 29 майда Муҳаммад Шайбонийхон қўшини темурийларга қарашли Боқи Тархон қўшинини Дабусия қалъаси ёнида тор-мор қилади ва пойтахт Самарқандга юриш бошлайди. Мовароуннахр ҳукмдори Султон Али Мирзо (1483-1500; ҳукмронлик даври: 1498-1500) нинг онаси Зухра бегимнинг калтабинлиги туфайли ёзилган мактуб сабаб Шайбонийхон 1500 йили ёзида Самарқандни жангсиз эгаллайди. Зухра бегим (Султон Маҳмуд Мирзонинг беваси) Шайбонийхонга ёзган мактубида унга тегмоқчи эканлигини айтган эди.

Машҳур давлат арбоби ва шоир Бобур (1483-1530) ўзининг «Бобурнома» асарида бу воқеаларни қуйидагича тасвирлайди: «Тафсили будурким, Султон Али Мирзонинг онаси Зухрабегим оға билмаслигининг ва беақллигининг махфий Шайбонийхонга киши йиборур, бу мазмун билаким, Шайбонийхон ани олур бўлса, ўғли Шайбонийхонга Самарқандни бергай. Отасининг вилоятини олгондин сўнг Султон Али Мирзога бергай...

Шайбонийхон ушбу хотуннинг ваъдаси билан келиб, Боғи Майдонга тушти. Туш вақтида Султон Али Мирзо бек-бекатиға, йигит-ялангига, ҳеч кимга хабар қилмай, ҳеч ким билан кенгашмай, бир неча ёвуғидаги кичик-кирим билан Чорраҳа дарвозасидин Боғи Майдонга Шайбонийхон қошиға борди. Шайбонийхон хейли яхши ҳам кўрмади. Кўрушгандин сўнг қуйи ёнда ўлтурсуғди... Мирзосининг чиқгон хабарини эшитиб, ул ҳам Шайбонийхон қошиға келди. Бу бедавлат хотун чун ноқиси ақл эрди, эрга тегар ҳавоси билан ўглининг хону монин барбод берди. Шайбонийхон бир зарра парво ҳам қилмади, балки ғума-ғунчасидек кўзга илмади». (Бобур. Бобурнома. Тошкент: Шарқ, 2002. 77-78-бетлар.)

Сўнгра Шайбонийхон ўзига ошиқ бўлган Зухрабегимни сарой аъёнларидан бирига хотинликка берди. Темурийзода Султон Али Мирзо эса орадан кўп ўтмай Кўлба яланглигида қатл қилинди.

Муҳаммад Шайбонийхон дастлаб Самарқандда мустақкам ўрнашиб қололмади. Шаҳар аҳолиси ва зодагонларнинг маълум қисми темурийлар ҳокимиятини тиклаш тарафдори бўлган. Улар Фарғона вилояти ҳокими ёш темурийзода Бобурга мактуб

йўллаб, Самарқандни ишғол этишга даъват этганлар. Бобур 1500 йил кеч кузида ўз қўшини билан Самарқандга етиб келгач, аҳоли унга пешвоз чиқиб, шаҳар дарвозаларини очиб берган. Шайбонийхоннинг шаҳар ҳимояси учун қолдирган 600 нафар аскарлари кириб ташланган. Бу пайтда Хожа Дийдор навоҳисидан турган Шайбонийхон Бухорога чекинади ва қўл остига қўшин тўплайди. Шайбонийхон катта куч тўплаб, яна Самарқандга юриш бошлайди. 1501 йил апрелда Зарафшон дарёси бўйидаги Сарипул қишлоғи яқинида бўлган жангда Бобур қўшинлари енгилди ва у Самарқандга чекинади. Шаҳар яна Шайбонийхон томонидан қамал қилиниб, бу қамал тўрт ой даом этади. Қамалда қолган шаҳар аҳолисининг очликдан тинкаси қуриydi. 1501 йил ўрталарида Шайбонийхон билан Бобур ўртасида тузилган сулҳга биноан, Бобур ўз опаси Хонзода бегим (1478-1544)ни Шайбонийхонга хотинликка бериб, ўз яқинлари билан биргаликда Самарқанддан чиқади ва Тошкентга кетади. Хонзода бегим Шайбонийхон никоҳига қиради ва ундан Хуррамшоҳ номли ўғил кўради. Муҳаммад Шайбонийхон ўғлига кейинчалик Балх вилоятини беради. (1510 йил декабрда Марв яқинида бўлган жангда Шайбонийхон ҳалок бўлгандан сўнг Хонзода бегим Қундузда турган укаси Бобур ҳузурига қайтиб келади, 1512 йил Хуррамшоҳ 10 ёшида дунёдан ўтади.)

Хуллас, Муҳаммад Шайбонийхон XV аср охири ва XVI аср бошларида Мовароуннахрга қилган юришлари натижасида ҳокимият бошқарувини қўлга киритди. Тарихчиларнинг яқдиллик билан эътироф қилишларича, 1500 йилдан янги туркий сулола – Шайбонийлар давлатининг Мовароуннахрдаги ҳукмронлиги бошланди. Муҳаммад Шайбонийхон мазкур санада мазкур сулола ва давлатга асос солган туркий ҳукмдор сифатида тарих саҳифаларида қолди.

Муҳаммад Шайбонийхон қисқа муддат ичида Мовароуннахр ва Хуросонда ўз ҳукмронлигини ўрнатди. Темурий шаҳзодалар, хусусан, Бобур унга қарши курашда мағлубиятга учрашди. 1503 йил Тошкент хони Маҳмудхон (у мўғул бўлган), Мўғулистон хони Аҳмадхон, Бобур ва қалмоқларнинг бирлашган қўшини Шайбонийхон томонидан Сирдарё бўйидаги Архив шаҳри яқинида енгилгач, Муҳаммад Шайбонийхон Тошкент ва Шохрухияни қўлга киритган. У ўша йили март ойида Хўжандни ҳам эгаллаган. 1504 йил баҳорида Шайбонийхон Фарғона водийсини ишғол қилган ва бу ерда ўз ҳокимиятини ўрнатган. 1504 йили Ҳисор, Қундуз, Бадахшон ҳам эгалланган.

Ҳофиз Таниш Бухорийнинг ёзишича,

«Шайбонийхон ҳар бир мамлакат ва ҳар бир вилоятнинг ҳукуматини иқболли султонлардан бирига ва зийраклик ҳамда сиёсатда машҳур бўлган амирлардан бирига берди». Хуллас, Муҳаммад Шайбонийхон Мовароуннаҳрни эгаллагач, катта ўғли Муҳаммад Темур Султон (1521 йил вафот этган) валиаҳд деб эълон қилинди ва «хон» деб аталди ҳамда унга Самарқанд ҳукумати топширилди (1501). Шайбонийхон Аҳмад Султонга пойтахт Самарқандни, Темур Султоннинг ўғли Пўлод Султонга Хоразмни, амакилари Суюнчхожахон ва Кўчкунчихонга Тошкент ва Туркистон вилоятларини (1503), укаси Муҳаммад Султонга Бухоро вилояти, жиянлари ака-ука Ҳамза Султон ва Маҳдий Султонга Ҳисор вилоятини (1503) бериб, уларни ҳоким қилиб тайинлаган. Бундан ташқари Жонибек Султонга Аҳси ва Андижон, амир Ёқуб вафодорга Шоҳрухия ва унинг атрофлари, Саҳид Муҳаммад Султонга Термиз, амир Қамбар ва Саъид Ошиққа Кундуз ва Бағлон берилган. Акасининг барча юришларида фаол иштирок этган Бухоро ҳокими Маҳмуд Султон (Убайдуллахоннинг отаси) шайбонийларнинг 1503 йили Хоразмга қилган ҳарбий юришига раҳбарлик қилган. Шайбонийлар Тоҳиристон, Кундуз, Бағлон ва Бадахшонни Хусравшоҳдан тортиб олгач, бу ерлар ҳам Маҳмуд Султонга берилган (1504). Убайдулла Султон (Убайдуллахон) отаси Маҳмуд Султон вафот этгач, 1504 йили унинг ўрнига Бухоро вилояти ҳокими қилиб тайинланган.

Шайбонийхон кўшини ўн ойлик қамалдан сўнг, 1505 йил 22 августда Хоразм пойтахти – Кўҳна Урганчни эгаллаган. Темурийлардан Султон Ҳусайн Бойқаронинг Хоразмдаги ноиб Чин Сўфи ўлдирилган. Мовароуннаҳр ва Хоразмда ўз ҳукмронлигини ўрнатган Муҳаммад Шайбонийхон энди бутун эътиборни Хуросонни забт этишга қаратган. 1506 йил кузида унинг кўшинлари Балхни эгаллашган. 1506 йил Бадиуззамон Мирзо (Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўғли) Шайбонийхонга қарши Мурғоб томонга кўшин тортган. Бироқ мағлубиятга учрагач, ортга чекинган. 1507 йил 20 майда Темурийларнинг Хуросондаги пойтахти – Ҳирот ҳам олинган. Кейинроқ Эроннинг Машҳад ва Тус шаҳарлари ҳам эгалланган. Ўша йили Муҳаммад Шайбонийхон Жом яқинида Темурийлар кўшинини енгган ва Темурийлар сулоласи Хуросонда ҳам ҳокимиятдан ажралган.

Муҳаммад Шайбонийхон Темурийлар сулоласига қарши ҳаёт-мамот курашини олиб борса ҳам Амир Темур ва темурийларнинг ҳарбий санъати ва давлатчилик кудратига катта эҳтиром билан қараган. У соҳибқирон Амир Темурга хурмати зўрлигидан катта ўғли

ва валиаҳди ҳисобланган Муҳаммад Темур Султонга унинг номини берган. Афсуски, бугунги кунда юртимиздаги айрим сиёсатдан ва тарихчи олимлар бу ҳақиқатни тан олмай, Муҳаммад Шайбонийхонни ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихидан ўчириб ташлашга беҳуда чиранмоқдалар. Шайбонийхон ва хусусан унинг жияни Убайдуллахон томонидан қўлланган махсус ҳарбий тактик амалиёт – тўлғама усули охир-оқибатда темурийзода Бобур Мирзони Мовароуннаҳрда мағлубиятга учраб, Афғонистон ва Ҳиндистонга бориб, бу ҳудудларда янги туркий салтанат – Бобурийлар давлатига асос солишига олиб келган.

Муҳаммад Шайбонийхон томонидан 1507-1509 йилларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда янги пул ислоҳоти ўтказилди. Шайбонийхон номидан янги кумуш тангалар зарб этилган. Шайбонийхон ўз давлатида қатор сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар ўтказганлиги манбаларда ёзилади.

1509 йил охирида Муҳаммад Шайбонийхон Дашти Қипчоққа қозоқ хони Қосимхонга қарши юриш қилган. Жўжихон авлодидан бўлган Қосимхон (1445-1521) Қозоқ хонлигининг асосчиларидан бири Жонибек Султоннинг ўғли бўлиб, унинг онаси Жаҳонбегим Шайбонийхоннинг онаси Оккўзибегимнинг синглиси бўлган. Муҳаммад Шайбонийхон бу юришда шайбоний султонларнинг интизомсизлиги оқибатида мағлубиятга учраган. Шу туфайли у Маҳдий Султон ва Ҳамза Султондан Чағониён ва Ҳисорни тортиб олган ҳамда сеvimли жияни Убайдулла Султонни бу вилоятларга ҳоким қилиб тайинлаган. Шайбонийхоннинг ҳарбий юришларида унинг амакилари Кўчкунчихон, Суюнчхожахон, укаси Маҳмуд Султон, амакиваччаси Жонибек Султон (Абдуллахон II нинг отаси), жиянлари Маҳдий Султон ва Ҳамза Султон (Бахтиёр Султоннинг ўғиллари), хусусан, жияни Убайдулла Султон (Маҳмуд Султоннинг ўғли) фаол қатнашганлар. Муҳаммад Шайбонийхонга замондошлари томонидан «Ҳазрати имом уз-замон, халифат-ур-рахмон» унвони (1507) берилган. Шунингдек, Шайбонийхон «Маҳдийи замон» («Элга иноятлар қилувчи зот») деб улуғланган.

А.Вамберининг ёзишича, Муҳаммад Шайбонийхоннинг кичик, бироқ бой кутубхонаси бўлиб, у ҳарбий сафарларда бу кутубхонани доимо ўзи билан олиб юрган. Темурий шаҳзодаларнинг аксарияти сингари Шайбонийхон ҳам илм-маърифат ва шеърят аҳлини қадрлаган.

Муҳаммад Шайбонийхон истеъдодли шоир, адиб, фикршунос, тилшунос олим сифатида ўзбек ва форс тилларида баракали ижод қилган. У ўз асарларига асосан Шайбоний,

Шайбон, баъзан эса Шохбахтхон ва Шохбахт деб тахаллус кўйган. Туркий девони («Девони Шайбоний»; унинг ягона нусхаси Истанбулдаги Тўпқопи саройи музейи кутубхонасида сақланган) ва «Бахр ул-худо» (1508) номли достони (Англиядаги Британия музейида сақланади), ўғли Темур Султонга атаб ёзган панд-насихатлардан иборат китоби ва бошқа асарлари мавжуд. Шайбонийхон девони 7 тавҳид, 10 наът, 306 газал, 8 мансур парча, 1 мурассаънома, 12 туюк, 5 тарих, 1 мусарра байт, 48 муаммони ўз ичига олган. Ҳасанхожа Нисорий ўзининг «Музақкири аҳбоб» тазкирасида ёзишча, Муҳаммад Шайбонийхон фикҳга оид рисола ва туркий тилнинг қонунқоидаларига оид китоб ҳам ёзган.

Шайбонийхон Хуросоннинг йирик марказларини қўлга киритгач, Эронни забт этиш учун кураш бошлайди. 1510 йил 28 декабрда Марв яқинидаги Маҳмудобод қишлоғида Эрон шоҳи Исмоил Сафавий (1487-1524; у Ўрта Шарқдаги Сафавийлар давлатига 1502 йили асос солган; ўзи туркий қавмдан бўлган) нинг 12 000 кишилиқ аскарлари билан Муҳаммад Шайбонийхон ўртасидаги жангда унинг оз сонли қўшини мағлубиятга учраган. Шиаларнинг ҳарбий ҳийласи натижасида Шайбонийхоннинг ўзи ҳам бу қақшатқич жангда ҳалок бўлган. Марв атрофидаги бу жангда кўпгина шайбоний султонлар қатнашмаган. Шайбонийхоннинг жияни Убайдуллахон ва ўғли Муҳаммад Темур Султон жанг тугаганидан сўнг, ҳарб майдонига кечикиб боришган. Баъзи манбаларда келтирилишича, Исмоил Сафавий рақиби Муҳаммад Шайбонийхоннинг бош чаноғидан қадаҳ ясаптириб, қадаҳга олтин қошлаттирган ва сарой зиёфатларида бу қадаҳдан май ичган. Шайбонийхоннинг бошсиз танаси Самарқандга олиб келтирилиб, унинг ўзи қурдирган мадрасадаги мармар супа остига (Баланд суфага) – Шайбонийлар дахмасига дафн этилган. Баланд суфа Регистон майдонида ҳозирги Тиллакори ва Шердор мадрасалари ўртасидаги бурчакка жойлашган. Супа остига Шайбонийхондан ташқари унинг укаси Маҳмуд Султон (1504 йил ўлдирилган), кейинчалик ўғли Муҳаммад Темур Султон (1521 йил вафот этган), жиянлари Маҳдий Султон, Ҳамза Султон, Абулхайр Султон (1511 йил ўлдирилган) ва бошқа шайбонийлар дафн этилган. Муҳаммад Шайбонийхондан уч ўғил: Муҳаммад Темур Султон, Хуррамшоҳ Султон, Суночмуҳаммад Султон қолган. Шайбонийлар давлати тахтига эса Убайдуллахоннинг саъй-ҳаракати билан Шайбонийхоннинг амакиси Кўчкунчихон (ҳукмонлик даври: 1510-1530) ўтирган.

Муҳаммад Шайбонийхон ҳукмронлиги даврида Самарқанд ва Бухорода гўзал меъморий

обидалар қурилган. Хусусан, Самарқанддаги Шайбонийхон мадрасаси, Шайбонийлар дахмаси қурилиши бевосита унинг номи билан боғлиқдир. Муҳаммад Шайбонийхон саройида машҳур шоирлар ва тарихчилар Муҳаммад Солиҳ (1455-1535), Камолиддин Биноий (1453-1512) ва Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон (1457-1521) яшаган ҳамда ижод қилган. «Амир ул-умаро» ва «Малик уш-шуаро» унвонларига сазовор бўлган Муҳаммад Солиҳ Шайбонийхоннинг 1499-1506 йиллардаги ҳарбий юришлари тўғрисида «Шайбонийнома» тарихий жангнома достонини ёзган. Шайбонийхоннинг ҳарбий юришларида тарихчи сифатида иштирок этган Камолиддин Биноий «Шайбонийнома» номли тарихий асарида (асар қўлёзмаси Тошкентдаги Шарқшунослик институтида сақланади) XV ўрталаридан то 1505 йилгача Мовароуннаҳр ва Дашти Қипчоқда содир бўлган воқеаларни тасвирлайди. Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон ўзининг «Меҳмонномаи Бухоро» номли йирик тарихий асари (1509)да Шайбонийхоннинг 1508-09 йил қиш мавсумида қозоқ султонлари Жаниш Султон ва унинг ўғли Аҳмад Султон, шунингдек, Бурундукхон устига қилган ҳарбий юриши, ўзбек ва қозоқ хонларининг келиб чиқиш тарихи, Мовароуннаҳр, Дашти Қипчоқ ва Қозоқ улусининг жуғрофий ҳолати, ўзбек ва қозоқларнинг келиб чиқиши, этник таркиби, урф-одати ва анъаналарини кўрсатади. Машҳур рассом Камолиддин Бехзод (1455-1536) Ҳиротни эгаллаган Шайбонийхон хизматида 1507-1510 йилларда бўлиб, у яратган «Шайбонийхон» портрети бизгача етиб келган.

XVI асрда яшаб ўтган тарихчи олим ва шоирлар Ҳасанхожа Нисорий «Музақкири аҳбоб» ва Ҳофиз Таниш Бухорий «Абдуллонома» асарларида Муҳаммад Шайбонийхон фаолиятига юқори баҳо берганлар.

Шайбонийхон девони ҳақида туркиялик олим Яъқуб Қорасуй докторлик диссертациясини ёқлаган ва шоир девонини лотин ёзувида нашр этган (Кўниё, 1999). Шоҳ ва шоир Шайбонийхоннинг серқирра фаолияти ҳозиргача Ўзбекистонда деярли ўрганилмаган. Совет даврида шаклланган «қонхўр ҳукмдор» ва «ишратбоз хон» образи бутун Шайбонийлар сулоласи, хусусан, Муҳаммад Шайбонийхонга нисбатан бугунги кунда ҳам айтарли ўзгаришсиз жамоатчилик онгида сақланиб қолган. 2004 йил Тошкентда М.Тожибоев «Муҳаммад Шайбоний девони тилининг лексик-семантик хусусиятлари» мавзусида филология фанлари бўйича (ўзбек тили ихтисослигидан) номзодлик диссертациясини ёқлади.